


ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

ISSUE 12
DECEMBER

Journal of
RESEARCH
and **INNOVATIONS**

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ



IMFAKTOR
PAGES

2023

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОҢ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-12

ТОШКЕНТ - 2023

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 12 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-12>

Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
2. Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
3. Якубжон Хатамович Юлдашов – қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, профессор,
4. Камалова Дильфуза Энураровна – филология ф.б.ф.д (PhD)
5. Раззақов Шухрат Турсунович – техника фанлари номзоди, доцент
6. Чоршанбиев Шухрат Махматмуродович – техника ф.б.ф.д. (PhD), доцент
7. Нематов Эркинжон Ҳамроевич – техника ф.б.ф.д (PhD), доцент
8. Бобокалонов Одилшоҳ Остонович – филология ф.б.ф.д (PhD)
9. Абдуллаева Садокат Шоназаровна – техника ф.б.ф.д (PhD)
10. Шарипов Козимжон Комилжонович – техника ф.б.ф.д (PhD)
11. Норматов Ғайрат Алижанович – техника ф.б.ф.д (PhD)
12. Бозорова Гульмира Зайниддиновна – филология ф.б.ф.д (PhD)
13. Убайдуллаев Фарход Бахтияруллаевич – қишлоқ хўжалиги ф.б.ф.д (PhD)
14. Каримова Дилафрўз Ҳалимовна Филология – филология ф.б.ф.д (PhD)
15. Маҳмудова Муаттар Мақсатуллаевна – филология ф.б.ф.д (PhD)
16. Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна – филология фанлари доктори

“Тадқиқот ва инновациялар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054912**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.1 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

ТЎРАЕВА Дилором Джуракуловна

Фанлар академияси

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти

катта илмий ходими

филология фанлари бўйича фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10441482>

КАВСАР ТУРДИЕВАНИНГ БАДИЙ МАҲОРАТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек болалар адабиётининг етакчи намояндаларидан бири Кавсар Турдиева ижоди туркум-шеърлар мисолларида таҳлил қилинди. Топишмоқ-шеърлар ва алифбо-шеърларнинг маърифийлик, бадийлик ва тарбиявийлик билан тўйинтирилгани, асарнинг бу жиҳатлари ёш китобхон онгининг ривожланиши, дунёқарашининг ўсиши, саводхонликка чорлаш каби вазифаларни бажаришда устувор эканлиги тадқиқ этилди. Жаҳон болалар адабиётида алифбо-шеърлар яратиш китобхоннинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, нималарга эътиборли бўлиши, атрофлича ўрганиб чиқилган десак, муболаға бўлмайди.

Калит сўзлар: Кавсар Турдиева, синоним, алифбо-шеър, топишмоқ, кўриниш, белги, маҳорат, ҳарф, сўз туркумлари, ўзбек болалар адабиёти, бадийлик ва тарбиявийлик, ёш китобхон.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО КАВСАР ТУРДИЕВОЙ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализировано творчество Кавсар Турдиевой, одного из ведущих представителей узбекской детской литературы, на примерах категории-стихи. Было изучено, что загадки-стихи и азбуки-поэмы насыщены просветительством, артистизмом и воспитанием, эти аспекты произведения являются приоритетными при выполнении таких задач, как развитие ума юного читателя, рост его мировоззрения, стремление к грамотности. В мировой детской литературе не будет преувеличением сказать, что при создании алфавитов-стихотворений, в зависимости от потребности читателя, следует внимательно относиться к тому, что подробно изучается.

Ключевые слова: Кавсар Турдиева, синоним, алфавит-стихотворение, загадка, внешность, характер, мастерство, буква, категории слов, узбекская детская литература, артистизм и воспитание, юный читатель.

ARTISTIC SKILL OF KAVSAR TURDIEVA

ANNOTATION

The article analyzes the work of Kavsar Turdiyeva, one of the leading representatives of Uzbek children's literature, using the examples of the category-poems. It was studied that riddles-poems and ABC-poems are saturated with enlightenment, artistry and education, these aspects of the work are priorities in performing tasks such as the development of the mind of a young reader, the growth of his worldview, the desire for literacy. In the world of children's literature, it would not be an exaggeration to say that when creating alphabets-poems, depending on the needs of the reader, one should pay attention to what is being studied in detail.

Keywords: Kavsar Turdiyeva, synonym, alphabet-poem, riddle, appearance, character, skill, letter, categories of words, Uzbek children's literature, artistry and education, young reader.

Маълумки, жаҳон болалар адабиётида алифбо-шеърлар яратиш китобхоннинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда анъанага айланган, ўзбек болалар адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. К.Турдиева ҳам ўз ижодида алифбо-шеърлар, келишикларнинг турланиши, сўз туркумлари каби мавзуларга мурожаат қилиб, болаларнинг саводхонлигини оширишга ҳисса қўшди. Шоира “Ҳарфлар устахонаси”, “Ҳарфлар кетиб қолса”, “Сехрли ҳарфлар ороли”, “Жонли алифбе”, “Алифбеда насиҳат”, “Ҳарфлар адашди”, “Биз шунақа боламиз”, “Битта ҳарф қўшгач”, “А” ҳарфи қилса ўйин”, “Алифбо”, “Бўлинг ҳарфга ҳурматда”, “Антоним”, “Синоним”, “Омоним”, “Сифат”, “Равиш”, “Келишикларда турланиш” каби шеърларида китобхонни алифбодаги ҳарфлар билан таништиради, уларнинг вазифаси, сўздаги ўрни ҳақида, келишикларнинг номи, сўз туркумлари ҳақидаги маълумотлар билан ўзбек тили ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради [2].

“А” ҳарфи қилса ўйин” шеърда сўзларда имло хатоларининг учраш ҳолати жонлантирилиб, “а” ҳарфи юмористик образда тасвирланган. Диконглаб ўйнаб юрган “а” ҳарфининг қочиб қолиши ёки ўринсиз қўшилиши натижасида сўзларнинг маънолари тубдан ўзгариши куйидача тасвирланган:

*Мана “А”нинг вақти чоғ, // У ўйнар бекинмачоқ.
Қочгач битта сўздан “А”, // Атала бўлди тала.
Олма сўздан шошиб, // Чиқиб кетди адашиб.
Ўртага турди бирдан, // Пайдо бўлди сўз олам.
Қайдан ўзин туширди, // Қай сўзларга қўшилди.
Хол айланди холага, // Бол айланди болага.
Тоғга қўшилганда “А”, // Тоғ бўлиб қолди тоға
Катта ўйинхона тир, // Бирпасда бўлди атир.
Тахт тахтага айланди, // Сир асирдек бойланди. [1, Б.146]*

Енгил юмор билан суғорилган шеърдаги воқеаларнинг жонлантирилиши натижасида сюжетлар хаёлот оламига бой китобхон кўз ўнгидан бирин-кетин ўта бошлайди ва уларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолса, ажаб эмас. Зеро, муаллифнинг шеърни яратишдан мақсади ҳам саводсизликка қарши курашишдан иборатдир.

“М” ва “А” келса ёнма-ён” шеърда муаллиф бадий усулнинг контраст туридан фойдаланиб, турли ҳаракатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишда “МА” қўшимчасининг ролини тасвирлайди (*бил-билма, қил-қилма, ил-илма*) ва бу ҳарфлардан фақат салбий ҳаракатларни ифодаловчи (*турт-туртма, ур-урма*) сўзларда иштирок этишларини сўрайди.

“Касблар шеърга айланди, алифбега жойланди” туркум шеърда касбларнинг номини алифбо тартибида бериб, болаларни турли касбларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиради. Касбларни тарифлаш билан бирга китобхоннинг ватанпарварлик туйғуларини поэтик тарзда ифодалашга ҳаракат қилади ҳамда Ватан байроғини юқори кўтаришга чорлайди:

“А” (Агроном)

*Ўстирар эдим пахта // Бутадамас, дарахтда.
Олма пишса пайвандда // Худди тарвуздек катта.
Ҳайрон қолишса шу он // Эй, қойил **Ўзбекистон!** [1, Б.118]*

“О” (Ошпаз)

*Ё бўлсаммикан ошпаз // Ҳамма қилади ҳавас.
Ўйлаб топсам бир таом // “**Ўзбекистон**” берсам ном.
Ош дамласам азондан // Энг каттакон қозонда. [1, Б.123]*

“Х” (Хоккейчи)

*Шайба, шайба ва дарҳол // Дарвоза бўлар ишғол.
Жамоамиз ютади, // Мени олқиш кутади.
Ғалаба бўлгач мутлоқ, // Ҳилтирар **бизнинг байроқ.** [1, Б.127]*

Ушбу туркум шеърларнинг биринчи шахс тилидан яратилиши асарнинг болаларбоп бўлишини таъминлайди, чунки воқеани иштирокчилар тилидан эшитиш ёш китобхон учун янада мароқли ва ишонарлидир.

Болалар адабиётининг ривожланишида ёш китобхон онгига таъсир ўтказиш, унинг дунёқарашини бойитиш, илм-маърифатга ундаш вазифалари устувор бўлар экан, болалар шоирлари бу йўлда ҳормай-толмай изланишда давом этмоқдалар.

Шундай изланишлар самараси бўлган топишмоқ шеър ҳам кичик ёшдаги болаларнинг онгига, хотирасига самарали таъсир этувчи жанр бўлиб, болаларга мўлжалланган жанрлардан ҳисобланмиш топишмоқлар ёш болаларда фикрлаш, топқирлик, ҳозиржавоблик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши ҳамда предметларни энг характерли хусусиятига кўра бири-бирдан ажратишга ўргатиши нуктаи назаридан ўзига хос маърифий-таълимий аҳамият касб этади. Айнан шу сабабли топишмоқ жанри болалар шеърлятида ўзининг мустақкам ўрнини топди [3].

Ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг намояндаларидан бири Кавсар Турдиева ҳам топишмоқ жанрида бир қатор шеърлар яратди. Фикримиз далилини “Қани, топинг-чи? ”, “Ўйлаб, боқ”, “Билиб ол”, “Қани топ”, “Қофияли топишмоқлар”, “Топишмоқли алифбе”, “Қушлар оркестри”, “Қиш”, “Куз”, “Ёз”, “Баҳор” кабир шеърларда кўриш мумкин. Шоира “Қушлар оркестри” шеърда ёш китобхонни чалғитиш ёки текшириш мақсадида қушларнинг овозини алмаштириб беради:

*Чумчуқ ҳайрон: - Пит-пилдиқ // Бу яна қандай қилиқ?
Булбул деди: - Ку-ку-ку // Бу нодоннинг гапи-ку?!
Лайлак минг бир овозда // Дер: - Наҳот гапинг рост-а?
Қумри қилар: - Тўқ-тўқ-тўқ! // Унга бизда ўрин йўқ [1, Б.167]*

Муаллиф шеър сўнгида китобхонни қушларга овчилик қилмай, овозларнинг қайси қушга тегишлилиги ҳақида сўрайди ва бу билан китобхонни ҳушёрликка, диққат-эътиборли, топқир бўлишга чорлайди.

“Қофияли топишмоқ” шеърида болалар саводхонлигини ошириш мақсадида сўздаги битта ҳарф алмашганда қандай қилиб бошқа сўзга айланиб қолиши топишмоқ тарзида баён қилинган:

*“Ч” билан келсам дамлайсан, // Ичимликка қалайсан?
“М” билан келсам доғлайсан, // Ва идишда сақлайсан. (чой, мой)
“Л”дан бошланганим чоғ, // Менинг масканимдир тоғ.
“Б”дан келсам уйдаман, // Богча, кўча-кўйдаман. (лола, бола) [1, Б.150]*

Юқоридаги сатрлардан кўриниб турибдики, ижодкор ўз шеърларида китобхонни топқир, хушёр бўлишга, мулоҳаза қилишга чорлаш баробарида уларнинг хотирасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мисраларни яратганки, улар тилининг соддалиги, қофиясининг пишиқлиги, вазнининг мусиқийлиги, товушларнинг оҳангдошлиги билан муҳим аҳамият касб этади. *Дам-лай-сан, қа-лай-сан, доғ-лай-сан, сақ-лай-сан* каби 3 бўғинли оҳангдош сўзларнинг кўлланилиши, сўзларнинг ҳар бир бўғинида “а” унли товушининг такрорланиши ижодкорнинг сўз танлаш маҳоратидан далолатдир.

Кавсар Турдиеванинг болалар учун ёзилган шеър, қўшиқ, сценарийларини ўқир экансиз, унинг асар яратиш жараёнида беғубор қалб соҳибига айланишини сезмаслик мумкин эмас. Зеро, болаларга ёзиш учун болага айланмоқ лозимдир. Шоиранинг “Ёдласам бўлмасмиди” шеъри қаҳрамони уй вазифасини бажармаганига пушаймон бўлиб, ўзининг чексиз хаёлот оламига шўнғиб кетади. Мўъжизалар оламида у гоҳ директордан, гоҳ “тез ёрдамдан”, гоҳ шифокордан, яна бир қарасангиз ўқитувчининг ўзидан нажот кутади. Қани энди бир сеҳргар келса-ю, уни синфдошлари олдида шарманда бўлишдан қутқарса. Ижодкор шеърларининг ҳар сатрида болалар руҳияти, уларнинг чексиз хаёлот олами, тасаввур дунёси, ўқувчи руҳий кечинмаларининг сингдириб юборилиши китобхоннинг ўз-ўзидан асар қаҳрамони ўрнида ўзини тасаввур қилишига туртки бўлади. Бу эса ёш китобхон учун жуда муҳим жиҳатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Кавсар Турдиеванинг топишмоқ-шеърлари ҳам алифбо-шеърлари ҳам болалар адабиётининг энг асосий хусусиятлари бўлган бадийлик, маърифийлик ва тарбиявийликни ўзида мужассамлаштиргани билан ёш китобхон камолотига хизмат қилиб келмоқда.

IQTIBOSLAR/SNOSKI/REFERENCES

1. Турдиева К. Дунёни сақлар болалар. – Тошкент: Бекинмачоқ-Плюс, 2012. – 375 б.
2. Михалков С. Бола бошидан. – Тошкент: Ёш гвардия, 1977. – 200 б.
3. Школа мастерства. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1960. – 750 с.
4. Чуковский К. От двух до пяти. – Москва: Педагогика, 1990. – 381 с.
5. Мотяшов И. Избранное. – М.: Дет.лит., 1988. – 230 с.

ISSN: 2181-4058
DOI Journal 10.56017/2181-4058

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 12-СОҢ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ
ТОМ-I, НОМЕР-12

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS
VOLUME-I, ISSUE-12

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz